

«Ўзим бўлай» ёхуд молга ҳирс қўйиш



18:30 / 19.03.2020 1656

Қуръони Каримда закотнинг фарзлиги ва унинг фазилатлари ҳақида бир неча ояти карималар нозил бўлган. Бу ҳақда Аллоҳ таоло:

تُرْحَمُونَ لَعَلَّكُمْ الرِّسُولَ وَأَطِيعُوا الزَّكَاةَ وَعَاءتُوا الصَّلَاةَ وَأَقِيمُوا

«Намозни тўқис адо этинглар, закот беринглар ва Расулга итоат қилинглар. Шоядки, раҳм қилинсангиз», деган (*Нур сураси, 56-оят*).

Демак, закот ҳам худди намоз каби фарз ибодатдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш ҳақидаги амр қандай кучга эга бўлса, закот бериш ҳақидаги амр ҳам шундай кучга эгадир. Намоз ўқишни, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилишни, шунингдек, закот беришни инкор қилган банда кофир бўлади. Намоз ўқишда, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилишда камчиликка йўл қўйган одам осий бўлганидек, закотни адо этишда камчиликка йўл қўйган одам ҳам осий

бўлади. Намозни адо этиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга итоатда бўлган киши чин мусулмонлик амалларини адо этган ҳисобланганидек, закотни адо этган одам ҳам чин мусулмонлик амалини адо этган ҳисобланади. Намозни адо этган, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат этган одам жаннатга эришганидек, закотни адо этган одам ҳам жаннатга эришади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

لَهُمْ سَكَنٌ مِّمَّنْ صَلَوَاتِكَ إِنَّ عَلَيْهِمْ وَصَلٍ بِهَا وَتُرْكِيهِمْ تَطَهَّرَهُمْ صَدَقَةٌ أَمْوَالِهِمْ مِنْ خُذْ

عَلَيْهِمْ سَمِيعٌ وَاللَّهُ ۱۰۳

«Молларидан садақа ол. Бу билан уларни поклайсан, тозалайсан. Уларнинг ҳаққига дуо қил. Албатта, дуоинг улар учун таскиндир. Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир» (Тавба сураси, 103-оят).

Закотнинг яна бир номи садақадир. Бизда «садақа» сўзи ихтиёрий хайр-эҳсонга нисбатан айтилса ҳам, араб тилида «закот»ни билдиради. «Закот»ни «садақа» дейиш «садақа» сўзида тасдиқ маъноси борлиги учундир. Чунки ўз молидан иймон-ихлос билан закот чиқариб бериш кишининг иймони ҳақиқий эканининг тасдиғидир. Демак, бу оят ҳам закотнинг фарзлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Аллоҳ таоло унда мусулмонларнинг молларидан закот олиш уларни поклаш ва тозалаш учун зарур эканини таъкидламоқда.

Биз «поклайсан» деб таржима қилган сўз араб тилида моддий, жисмоний тозалашга нисбатан ишлатилади. «Тозалайсан» деб таржима қилган калимамиз эса руҳий, маънавий тозалаш маъносини англатади. Бундан закот мусулмонлар учун ана шундай катта фойдалар келтиришини билиб оламиз. Аллоҳ таоло:

كَبِيرٌ أَجْرُهُمْ وَأَنْفَقُوا مِنْكُمْ ءَامَنُوا فَالَّذِينَ ﴿٧﴾

«Сизлардан иймон келтирганлар ва инфоқ қилганларга катта ажр бордир», деган (Ҳадид сураси, 7-оят).

Иймон билан инфоқ бирга бўлганида кишига катта фойда келтирар экан. Ушбу оятда мўминларни закот ва бошқа молиявий ибодатларга чорлаш бор.

اللَّهُ سَبِيلٍ فِي يُنْفِقُونَهَا وَلَا وَالْفِضَّةَ الذَّهَبَ يَكْنُزُونَ وَالَّذِينَ

فَتُكْوَى جَهَنَّمَ نَارٍ فِي عَلَيْهَا يُحْمَى يَوْمَ ﴿٣٤﴾ أَلِيمٍ بِعَذَابٍ فَبَشِّرْهُمْ

مَا فَذُوقُوا لِأَنْفُسِكُمْ كَنْزَتُمْ مَا هَذَا وَظُهُورُهُمْ وَجُوبُهُمْ جِبَاهُهُمْ بِهَا

تَكْنُزُونَ كُنْتُمْ ﴿٣٥﴾

«Олтин ва кумушни жамғариб, Аллоҳнинг йўлида сарфламайдиганларга аламли азобнинг «хушxabар»ини беравер. Бир куни ўша(олтин-кумуш)лар жаҳаннам оташида қизитилур ва пешоналари, ёнбошлари ҳамда орқаларига босилиб: «Мана бу ўзингиз учун тўплаган нарсангиз, бас, энди

тўплаб юрган нарсангизни татиб кўринг!» (дейилур)» (Тавба сураси, 34-35-оятлар).

Ушбу ояти карима нозил бўлган пайтларда одамлар орасида пул сифатида олтин ва кумуш ишлатилган. Маҳаллий бозорларда ҳам, халқаро савдо алоқаларида ҳам ҳисоб-китоб тилла ва кумуш билан олиб борилган. Мол йиғиш ҳам тилла ва кумуш тўплаш билан бўлган. Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада олтин ва кумуш тўплаб, бойлик орттирадиганларга эмас, балки уларнинг закотини бермайдиганларга қаттиқ азоблар борлигини баён қилмоқда. Қиёмат куни ўша закоти берилмаган олтин ва кумуш жаҳаннам оловида қиздирилиб, пешоналарига, ёнбошларига ва орқаларига босилиб, азобланишлари айтилмоқда. Ана шундай азоб бериб турилган бир вақтда фаришталар уларга дўқ қилиб:

«Мана бу ўзингиз учун тўплаган нарсангиз, бас, энди тўплаб юрган нарсангизни татиб кўринг!» дейишлари уқдирилмоқда.

Ҳа, «ўзим бўлай» деб, молга ҳирс қўйиш, Аллоҳ берган мол-дунёни Аллоҳ йўлида сарфламасдан, босиб ётиш Исломда ана шундай қораланади. Ушбу оятда васф қилинаётган азоблар молининг закотини бермаган кишиларга аталгандир. Ким тўплаган моли қиёмат куни қиздирилиб, пешонасига, ёнбошига ва орқасига босилишини истамаса, уларнинг закотини вақтида бериб юриши керак. Акс ҳолда охират азобидан қочиб қутула олмайди. Аллоҳ таоло ваъдасига хилоф қилмайдиган Зотдир ва У закотни бермаганларни ушбу оятда зикр қилинган азоблар билан албатта азоблайди.

«Мўминнинг нажоти» китобидан